Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 25-fevral, payshanba, 23 (23.459)-son

Кун ҳикмати

Она, опа-сингил ва қизларни йўқлаб туриш учун уларнинг байрамини кутиш шарт эмас

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йигирма тўртинчи сессияси **2021 йил 26 февраль куни соат 10:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Раҳмоновнинг "Вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида"ги ҳисоботи;
- вилоятда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан "Ҳудудгаз Самарқанд" масъулияти чекланган жамияти раҳбари О.Исақуловнинг ҳисоботи;
- вилоят монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Беккуловнинг "2021 йилда амалга оширилиши белгиланган устувор вазифалар тўғрисида"ги ҳисоботи;
- бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими Э. ТУРДИМОВ

2021 йил 22 февраль
№ 26 – Қ

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ВИЛОЯТНИНГ САМАРҚАНД ШАҲАР ВА НУРОБОД ТУМАНИ АҲОЛИСИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ИСИТИШ УЧУН САРФЛАНАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ НОРМАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги "Уй-жой коммунал хизматларининг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 271-сонли ҳамда 2001 йил 18 апрелдаги "Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 178-сонли қарорларига асосан, Самарқанд шаҳар ва Нуробод тумани аҳолисининг турар жой биноларини иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси етказиб бериш ҳолатини янада яхшилаш мақсадида **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд шаҳар ва Нуробод тумани аҳолисининг турар жой биноларини иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси нормалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), вилоят "Иссиқлик манбаи" давлат унитар корхонаси (А.Баҳриев) аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати - матбуот котиби (М.Мирзаев) мазкур қарорнинг "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими Э.ТУРДИМОВ

2021 йил 22 февраль
№ 25 – Қ

Вилоят ҳокимининг
2021 йил 22 февралдаги 25-Қ сонли қарорига
И Л О В А

Самарқанд шаҳар ва Нуробод тумани аҳолисининг турар жой биноларини иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси НОРМАЛАРИ

Т/р	Шаҳар, туман номи	Умумий уй-жой майдонининг 1 кв.метрини иситиш учун бир кунда сарфланадиган иссиқлик энергияси	Бир одамга сарфланадиган иссиқлик энергияси Гкал/одам		
		Ўлчов бирлиги	Истеъмол нормалари	Ўлчов бирлиги	Истеъмол нормалари
1	Самарқанд шаҳар	Умумий майдонининг 1 кв.метр учун кунига Гкал	0,001642	1 Гкал/одам	0,007333
2	Нуробод тумани	Умумий майдонининг 1 кв.метр учун кунига Гкал	0,001224	1 Гкал/одам	0,007036

АСКАРЛАРНИ жамоатчилик танлайди

Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш тартиби ўзгарди

- Муддатли ҳарбий хизматга саралашнинг янги тартибига кўра, бу иш мудофаа ишлари бўлимлари ёки бошқарма ходимлари зиммасида эмас, - дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, полковник Баҳодир Эргашев. - Бугун чақирилувчиларни ҳарбий хизматга лойиқ ёки нолойиқ, деб топиш шаҳар ёки тумандаёқ ҳал бўлади. Чунки ҳудудий тиббий комиссия, бутлаш комиссияси, ҳудудий комиссия, вилоятда эса ҳарбий-тиббий комиссия ва раҳбарият Кенгаши ташкил қилинган.

Бутлаш ва раҳбарият кенгаши аъзолигига Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларидан вакиллар жалб этилди. Улар саралаш ва танлов ишларида тўлиқ қатнашди.

Энди чақирилувчилар қайта-қайта тиббий кўрикдан ўтказилмайди. Туман тиббиёт муассасалари шифокорлари чақирилувчини бирламчи кўрикдан ўтказади, туман тиббий комиссияси шу асосда номзоднинг ҳарбий хизматга яроқли, даволанишга ёки захирага юборилиши ҳақида хулоса беради. Ҳарбий хизматга яроқли деб топилган чақирилувчининг умумжисмоний тайёргарлик даражаси баҳоланади ва у билан якка тартибда суҳбат ўтказилади.

Ўтказиш жойи шаҳар ва туман ҳокимининг қарори асосида белгиланадиган умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда туман бутлаш комиссияси турникда тортилиши, 100 метр ва 3 минг метрга югуриш нормативлари бўйича синов ўтказади.

Мазкур нормативлардан биортасида 2 баҳо олган чақирилувчи синовларни топшира олмаган ҳисобланади. Бунда турникда 8-9 марта тортилса, 100 метрга 14,5-15 сонияда, 3 минг метрга 13,20-14 дақиқада югуриб келса - 3, яъни қониқарли баҳоланади. Мазкур баҳолаш натижалари асосида чақирилувчини ҳарбий-техник мутахассислик бўйича тайёргарликка жалб этиш ёки муддатли ҳарбий хизматни ўташи учун тавсия берилади ёки тавсия берилмайди.

Ўтган йилларда чақирилувчилар касбий танлов асосида тест синовлари топширар эди. Энди Ўзбекистон тарихи, Амир Темур ва бошқа улуғ аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир билимларни аниқлаш учун якка тартибдаги суҳбат ўтказилади. Суҳбат жараёнида чақирилувчиларнинг маҳалла ва жамиятда тутган ўрни, оилавий аҳволи, қизиқишларига эътибор қаратилади.

Бутлаш комиссиясида чақирилувчи бюрократик тўсиқларга учрамаслиги учун унга тегишли ҳарбий округ вакили раислик қилади. Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари вакилларидан иборат комиссия чақирилувчини синов якунлари асосида муддатли ҳарбий хизматга чақириш учун қўшин турига тайинлайди.

2-саҳифа »»

ЯНГИЧА МИЛЛИЙ САЙЛОВ

халқ хоҳиш-иродасини ифодалайди

2021 йил 8 февралда қабул қилинган "Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун фуқароларимиз сайлов ҳуқуқларининг кафолатини янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Конституциямизнинг 117-моддасига мувофиқ, Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилар эди. Қонундаги янги ўзгартиришга кўра, мамлакатимизда сайловларни ўтказиш муддати октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасига кўчирилмоқда. Бунинг бир қатор сабаблари бор.

Биринчидан, Марказий сайлов комиссияси томонидан 2020 йил февраль ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, сайлов комиссиялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатларида ушбу масалада билдирилган энг кўп таклиф сайловлар муддатини айнан октябрь ойига ўтказиш ҳақида бўлди. Бу таклиф ОАВ, хусусан, ижтимоий тармоқлар ва ижтимоий сўровлар орқали фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

Иккинчидан, қонун лойиҳаси парламент палаталари томонидан кўриб чиқилиши жараёнида 20 га яқин хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва бу борадаги тажрибаси ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, асосан иқлими иссиқ бўлган жанубий яримшар давлатлари, масалан, Гана, Миср, Нигерия, ЖАР, Жазоир, Венесуэла, Доминикан, Сан-Маринода сайловлар декабрь ойида ўтказилар экан, АҚШ, Швейцария, Испания, Уругвай, Чили, Босния, Россия, Беларусь, Иордания, Молдова каби давлатларда эса сайловлар сентябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтади.

2-саҳифа »»

Самарқандда "Лойиҳалар фабрикаси" очилди

Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифи чоғида "Лойиҳалар фабрикаси"нинг тақдимоти билан танишиб, келажакда Ўзбекистонга кириб келаётган барча инвестициялар ҳудудлардаги лойиҳалар фабрикасида ўрганишдан ўтиш кераклигини таъкидлаганди. Билдирилган таклиф асосида ТИФ "Миллий банк" вилоят филиалининг моддий-техник кўмагида вилоятимизда ҳам "Лойиҳалар фабрикаси" иш бошлади.

Ушбу фабрика юқори қўшилган қиймат яратувчи истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу ерда инвестор ва тадбиркорларга маҳаллий ҳокимлик, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалий ёрдам кўрсатилади. Фабрика мутахассислари лойиҳалар ишлаб чиқиш, техник иқтисодий асослар ва бизнес-режа тузишда тадбиркорларга кўмаклашишдан ташқари, ҳудудларнинг ички салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда жойларда тегишли лойиҳаларни, бизнес юритиш имкониятларини ўрганиш бўйича иш олиб боради.

Фабрикада хориждаги элчихоналаримиз орқали инвесторлар билан ишлаш имконияти ҳам яратилмоқда. Яъни, чет элдан келган инвесторларга ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тайёр инвестиция лойиҳалари ҳам тақдим этилади.

Яқинда вилоят ҳокими ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Ходжаев, бошқарма бўлим бошлиқлари "Лойиҳалар фабрикаси" ходимлари иштирокида ўқув-тренинг шаклида учрашув ташкил этилди. Учрашувда "Лойиҳалар фабрикаси" мутахассисларининг тадбиркорлар, инвесторлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий тузилмалари вилоят, туман-шаҳар миқёсидаги маҳаллий органлар ва тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Бу инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига кўрсатилаётган амалий кўмак сифати ҳамда самарадорлигини таъминлайди. Вилоятнинг инвестиция фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, "фабрика" фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, ходимларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилади.

Дилфуза ХОЛМИРЗАЕВА,
вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бўлим бошлиғи.

Маҳаллангизга Президент келса...

Кейинги кунларда мамлакатимиз раҳбари ташриф давомида тўсатдан, режада кўзда тутилмаган манзиллар, маҳаллаларга кириб бораётгани ҳақидаги лавҳаларни кузатяпмиз. Аслида ҳолатдан хабардор бўлиш, камчиликларни тузатиш учун давлат раҳбарини кутиш шартми? Умуман, маҳалладаги аҳвол билан ким қизиқади? Ҳамма айб маҳаллага ағдарилади-ю, аммо у қайси маблағ эвазига буни амалга ошириши кераклиги сўралмайди? Баъзи маҳаллалар эса бор имкониятдан фойдаланишни истамайди. Дарвоқе, биз ушбу рукн остида мақола тайёрлаш ниятида баъзи маҳаллаларга кириб борганимизда эрталаб соат 10 да чанг артиб турган маҳалла ходимларини, баъзиларида эса «Тошкентдан комиссия юрганмиш, у ёқ бу ёқларга қараб қўйинглар», дея ишга киришганларини, баъзиларида қайсидир ташкилотлардан ходимлар келиб, суҳбат ўтдими, ўтди қабилида суратга тушиб кетганларига ҳам гувоҳ бўлдик.
Кеча эса вилоятнинг узоқ тумани ёки Самарқанд шаҳрининг чеккароқ жойи эмас, балки марказидаги маҳаллаларга кириб, аҳоли, мутасаддилар билан гаплашдик.

САМАРҚАНД ШАҲАР ФАРОВОНЛИК МАҲАЛЛАСИ

Маҳаллага кириб боришингизда бетонли симёғочларга ёпиштирилган эълонлар диққатингизни тортади. «Қудуқ ковлаймиз, телефон рақамларимиз….». Нега бу кўчаларга ушбу мазмундаги эълон кераклигини тушуниб олиш қийин бўлмаса керак. Бу ҳақда ҳали тўхталамиз.

Кўчалар ҳар доим биз кўникиб қолган, ўйдим-чуқур, у ер бу ерларида чиқиндилар ташланган, аммо аксарияти тоза-озода. Бугун маҳалла аҳлини қийнаётган муаммолар нечоғлик? Бу ҳақда аввал маҳалла фаоллари билан гаплашиш ниятида маҳалла идорасига бордик.

- Маҳалла аҳлига шарт-шароитлар яратиш мақсадида яқин кунларда ҳудудда новвойхона, тикувчилик цехи ташкил этиш режалаштирилган, - дейди маҳалла раиси ўринбосари Зарнигор Латипова.

2-саҳифа »»

ЯНГИЧА МИЛЛИЙ САЙЛОВ

халқ хоҳиш-иродасини ифодалайди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Учинчидан, Парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловидан кейин мамлакатимизда Олий Мажлис Сенатига сайловлар ўтказилади. Ижро ҳокимияти, яъни Вазирлар Маҳкамаси янгидан шакллантирилади, ҳудудларда ҳокимлар номзоди халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида муҳокама қилиниб, янгидан тасдиқланади. Мамлакат Президентининг Олий Мажлисга ҳамда Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси тақдим этилади. Халқимиз янги йил байрамлари оғушида бўлади. Демак, сайловлардан кейин олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида шакллантириш, тўлақонли шаклда ишларни режалаштириш ва муҳим сиёсий-ҳуқуқий қарорларни қабул қилиши учун тегишли замин яратилади. Шунингдек, ноқулай об-ҳаво шароитларида фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади, сайловчилар ва кузатувчилар учун қулай шароит вужудга келади.

Тўртинчидан, сайлов жараёни машаққатли меҳнат ва ташкилий ишларни амалга оширишни талаб этади.

Сайловларнинг мўътадил бўлган куз ойларида ўтказилиши эса барча фуқаролар, сайлов ташкилотчилари ва иштирокчилари ҳамда маҳаллий, хорижий кузатувчилар учун қулайлик туғдиради. Шу боис сайловларни ўтказиш муддатининг октябрь ойига кўчирилиши халқимиз томонидан ижобий баҳоланиб, қўллаб-қувватланаётганлигини кузатиш мумкин.

Сайлов кодексига киритилаётган ўзгаришга мувофиқ, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилиб, уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланмоқда. Ўтган сайловлардаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи ҳар бир округ сайлов комиссияси кўпи билан 3 та (айрим ҳолларда битта) сайлов участкаси доирасида фаолият юритиб, бир неча йиллардан буён самарасиз фаолият юритиб келган. Оқибатда, тегишли туман (шаҳар) ва округ сайлов комиссиялари бир-бирининг вазифаларини такрорлашига тўғри келган. Шунингдек, бу сайлов тузилмаси учун Давлат бюджетидан қўшимча харажатлар қилинган. Ушбу институтнинг тугатилиши натижасида 54 мингдан зиёд аъзодан иборат 5 минг 750 га яқин округ сайлов комиссиясини ташкил этишга ҳожат қолмайди. Уларни жойлаштириш учун ажратилган шунча бинога эҳтиёж туғилмайди, инсон ресурслари тежалади, сайлов кампаниясини ташкил этишга жалб этилган инсонлар орасида оворагарчиликка чек қўйилади ҳамда 33 миллиард сўмдан ортиқ давлат бюджети маблағлари тежалади.

Яна бир муҳим ўзгариш – бу хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини, дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида туриш-турмаслигидан қатъи назар, ўша жойларда ташкил этилган сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, шунингдек, сайлов участкасидан ташқарида, чет давлатларда гавжум ҳолда яшаётган ёки ишлаётган фуқароларимиз турган жойларида овоз беришларини кўчма сайлов қутилари орқали сайёр ўтказишнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда. Мазкур амалиёт Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан 2019 йилда ўтказилган Парламент сайловларида илк бор тажрибадан ўтказилди. Хусусан, Россия, Жанубий Корея ва Қозоғистонда бўлиб турган 90 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари сайлов участкаси жойлашган бинодан ташқарида, яъни сайловчи-фуқароларимиз гавжум яшайдиган ёки ишлайдиган жойларда кўчма қутилари билан сайёр тарзда ташкил этилган муддатидан олдин овоз бериш жараёнида иштирок этишди. Бу тажриба халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сабаб бўлганлиги муносабати билан, ушбу тартиб Сайлов кодексига киритилди.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг ўзларига хос бўлмаган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашиш, сайловчиларни учрашув ташкил этиладиган жой ва вақт ҳақида огоҳлантиришга оид вазифаси бекор қилинди. Чунки Сайлов кодексига мувофиқ, номзод кўрсатиш ваколатига фақат сиёсий партиялар эга. Сайловчилар билан учрашувлар, ташвиқот тадбирларини ўтказиш орқали ўз дастурларини таништириш ҳамда номзодлар учун кўпроқ сайловчиларнинг овозларига эришишдан сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари манфаатдор. Бу жараёнга сайлов комиссияларининг алоқаси йўқ. Лекин шундай бўлса-да, амалда сайлов комиссиялари зиммасига ўзларига хос бўлмаган вазифа юклатилиб келинган. Эндиликда сайлов қонунчилигидаги ушбу камчилик ҳам бартараф этилди.

Қонундаги янгиликлардан яна бири, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши ва молиявий таъминланиши юзасидан шаффофликни таъминлашга қаратилган бўлиб, унга кўра сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунига қадар оралиқ ҳисоботини ва сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин якуний ҳисоботини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши белгиланди.

Сайлов кодекси янги 27-прим модда билан тўлдирилди. Унга кўра, чет давлатларда бўлиб турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиясига ёзма шаклда ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда ўзларини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловга ўн беш кун қолгунга қадар мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланди. Илгари бундай амалиёт бўлмаган. Чет давлатларда бўлиб турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида консуллик ҳисобида турган бўлсагина, сайлов участкасига шахсан келиб, у жойда тузилган сайлов участкалари сайловчилари рўйхатига киритилган. 2019 йилда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан бу амалиёт ҳам тажриба тариқасида синовдан ўтди.

Сайлов қонунчилигини демократлаштиришга қаратилган ушбу янгиликлар миллий сайлов қонунчилигимизни умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига янада мувофиқлаштириш баробарида Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Худоёр МАМАТОВ,
Марказий сайлов комиссияси котиби, юридик фанлар доктори, профессор.

Ҳудудий бўлимимиз ходимлари "Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти билан ҳамкорликда вилоятдаги улгуржи истеъмолчиларнинг табиий газдан фойдаланиш ҳолатлари бўйича ўрганиш ўтказди.

Табиий газдан ўғринча фойдаланганлар ТАДБИРКОРМИ?

Ўрганиш давомида жорий йилнинг шу даврига қадар 42 та улгуржи истеъмолчи табиий газ тармоқларига ўзбошимчалик билан ноқонуний уланиб фойдаланаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича далолатномалар расмийлаштирилди. Тузилган далолатномаларга кўра, ушбу улгуржи истеъмолчилар томонидан жами 604,1 миллион сўмлик, 694,0 минг метр/куб табиий газдан ноқонуний фойдаланилган ва "Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти корхонасига зарар етказилган.

Жумладан, Паст Дарғом тумани Найман маҳалласида яшовчи Марҳабо Маҳманазарова ўзига тегишли ер участкасида иссиқхона ташкил қилиб, табиий газдан ноқонуний фойдаланган. Оқибатда 70,7 минг метр/куб табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, давлат манфаатларига 70,7 миллион сўмлик зарар келтирган.

Аниқланган барча ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилинди.

Икром МАХСУМОВ,
"Ўзнефтгазинспекция" вилоят бўлими бошлиғи.

«« Муносабат »»

Шу йил 22 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади.

Инсонликни таъминлайдиган мезон

унинг ҳуқуқида намоён бўлади

Мазкур маърузада еттита устувор йўналиш белгилаб берилди. Бу йўналишлар декларация талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир инсон ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар мамлакатимизда тенг ҳуқуқли эканлигига алоҳида урғу берилди. Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан қатъи назар мамлакатимизда фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўрилгани, биргина 2020 йилда 50 минг ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганлиги ва 2021 йилда яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлиши маълум қилинди.

Президентимиз маърузада устувор вазифалардан бири мамлакатимизда амалга оширилаётган гендер сиёсати масалалари эканлигига ҳам эътибор қаратди. Аёлларнинг ролини тубдан ошириш бўйича чора-тадбирлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида кенг миқёсда амалга оширилганлиги ва буни келажакда ҳам қатъий давом эттирилишини алоҳида таъкидлади. 2021 йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилганлигини ҳам маълум қилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий ютуқларидан бири Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширилгани бўлди. Мамлакатимизда 2021 йилда "Болалар Омбудсмани тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш кўзда тутилганлиги Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида бу борадаги тадбирларимизнинг муҳим натижаси бўлади.

Президентимиз маърузасида "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этди. Шунингдек, ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссамизни қўшмоқчи эканлигимизни ҳам маълум қилди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилмоқда.

Албатта, бу борада камчиликларимиз йўқ эмас. Аммо изчиллик билан олиб бориладиган тадбирлар ушбу камчиликларни бартараф қилиш имконини беради.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

Маҳаллангизга Президент келса...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Шу йил маҳалла ички кўчасининг 500 метрга яқин ҳудудига тадбиркорлар томонидан асфальт ётқизилди. Инсон яшаётган ҳудудда албатта муаммолар бўлади ва уларни босқичма-босқич ҳал этиб бориш вазифамизга киради. Шу йил маҳалламиздаги учта кўчада электр энергияси билан боғлиқ муаммо кўп бўлди. Мурожаатларимизга Самарқанд шаҳар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ушбу ҳудуддаги трансформаторни алмаштириш 2022 йилги Давлат дастурига киритилганини айтди. Шунингдек, маҳалламиздаги 8 та кўчадан оқава сув қувурлари ўтмаган, одамлар ҳовли ичида қудуқ қазишга мажбур. Бу бўйича ҳам бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Келгуси йил дастурларига киритиш ҳақида хат жўнатилган.

Ҳозир чиқинди ташиб кетиш ҳолати яхши ташкил қилингани аҳолига маъқул. Ҳар ҳафта икки маротаба машина келиб, хонадонлардаги чиқиндини ташиб кетади.

Чиқиндини олиб кетишга машина келса-да, аммо кўчалардаги чиқиндиларни кўриб дилингиз хуфтон бўлади.

САМАРҚАНД ШАҲАР СИЁБЧА МАҲАЛЛАСИ

Маҳалланинг Мирзо Улуғбек кўчаси бўйлаб ичкарига кирар экансиз чиройли, замонавий хонадонлар билан бирга эътибордан четда қолган ҳовлиларни ҳам учратасиз. Ногоҳ, бу ерда одам яшармикан, деган ўй хаёлингиздан ўтади. Яшовчилар бор, аммо ўз ҳудудига эътибор йўқ.

Маҳалла марказига борганимизда бинони таъмирлаш ишлари олиб борилаётган экан. Мазкур бино 1858 йилда қурилган бўлиб, ЮНЕСКО рўйхатида туради. Лойиҳа ҳам унинг қадимийлигини сақлаган ҳолда ишлаб чиқилган. Маҳалла раиси билан суҳбатимиз кўчаларни айланиб давом этди.

- Биласиз, маҳалламиздан Сиёбча ариғи ўтган, - дейди маҳалла раиси Светлана Шебельникова. – Кўп ҳолларда ариқдан сувнинг тошиб оқиши атрофдаги уйларга зиён етказмоқда. Тўғри, вилоят ҳокими келиб вазиятни ўргангач, ариқда тозалаш ишлари олиб борилди. Барибир аҳоли хавотир билан яшайди. Ички кўчаларимиз таъмирталаб. Маҳмуд Кошғарий, Пушкин, Баҳодир Ялангтўш, Абдураҳмон Жомий номли кўчаларда тунги ёритиш чироқлари ўрнатилмаган. Жомий кўчасида тунги чироқлар учун устунлар бору, чироқ йўқ. Кеч тушиши билан қоронғи кўчаларда юришга тўғри келади. Бизни қийнайдиган муаммолардан яна бири – Маҳмуд Кошғарий ва Абдураҳмон Жомий номли кўчалар кесишмасида пиёдалар йўлакчасининг йўқлиги. Бу ерга светофор ўрнатилганди, аммо унинг вақти тўғри ҳисобланмагани учун автомобиллар тирбандлиги пайдо бўлгач, олиб ташланди. Болалар боғчага, мактабга қатнашда бу йўлдан ўтишга қийналади.

Ҳақиқатан ҳам машиналарнинг бир-бирига йўл бермасдан ҳаракатланаётган бу йўл кесишмасида пиёдаларнинг ўтиши мушкул.

Маҳалла раисининг айтишича, мазкур маҳаллада 11 нафар нафақа ёшидаги кексалар, 50 нафар ногирон кишилар истиқомат қилади. Маҳалла тадбиркорлари томонидан уларга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Кимдир озиқ-овқат маҳсулотлари берса, яна бири ўз хизматидан бепул фойдаланишни таклиф этади. Бу борада маҳалла раисининг ҳам ўрни катта. Маҳаллада бўлаётган янгиликлар, олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ҳақида маҳалланинг телеграм каналида бериб борилади.

Айтиш керакки, вилоятда ҳали «Обод қишлоқ» дастури туманларда жорий этилган пайтлардаёқ шаҳарнинг чеккароқ маҳаллаларида ободлик, ўзгаришлар амалга оширилиб, шаҳарнинг кўпчилик боришга ҳадиксирайдиган ҳудудлари ободонлаштирилди. Кимёгарлар ва Фарҳод шаҳарчаси мана шундай ҳудудлар сирасига киради. Нега бу тажриба тўхтаб қолди? Ушбу жараён давом этса, Самарқанд шаҳридаги бир нечта маҳаллалар фуқаролари ижро муддати номаълум дастурларни кутиб юрмасмиди?..

Гулруҳ МЎМИНОВА,
Насиба ЖОНТЎРАЕВА,
«Зарафшон» мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида "Божхона ҳудудида қайта ишлаш" тизимида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратди.

"Божхона ҳудудида қайта ишлаш" тизими

тадбиркорга қандай имкониятлар беради?

Тадбиркорлар томонидан ушбу тизимдан фойдаланиш товарларни қайта ишлаш мақсадида хориждан олиб келинган хомашёлар божхона тўловларидан озод этиш ҳамда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни республика ҳудудидан олиб чиқиш имкониятини беради. Хизматлар экспорти кенгаяди, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, зарур ҳолларда аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади. Товарларни қайта ишлаш жараёнида кўрсатилган хизматлар учун қўшимча даромад олиш мумкин. Қайта ишланган товарлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар мақомини олади ҳамда мамлакат ва ишлаб чиқарувчининг номи жаҳон бозорида танилади.

Бу эса, табиийки, республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаб, чет элдан қўшимча валюта тушумини кўпайтиришга хизмат қилади.

"Божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режими олиб кирилган товарнинг дастлабки хоссалари ва индивидуал кўрсаткичларини ўзгартириб, уни идентификациялаш имконини берувчи товар хусусиятларини сақлаган ҳолда бевосита қайта ишлаш ва унга ишлов бериш операцияларини амалга оширади. Олиб кирилган товарлардан фойдаланган ҳолда бошқа товар тайёрлаш, монтаж қилиш, йиғиш ёки қисмларга ажратиш, таъмирлаш, тиклаш ва таркибий қисмларини алмаштириш, товарлар қайта ишлаш жараёнида тўлиқ ёки қисман ишлатилса, хомашё сифатида фойдаланиш имконини яратади.

Тимур НАЗАРОВ,
вилоят божхона бошқармаси божхона назоратини ташкил этиш бўлими бош инспектори.

Аскарларни жамоатчилик танлайди

Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш тартиби ўзгарди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Табиий савол туғилади, туман ҳудудий комиссияси нима иш қилади?

Туман ҳокимининг ўринбосари бошчилик қиладиган комиссия ҳарбий хизматга яроқли, деб топилган, бироқ синовлардан ўтолмаган чақирилувчиларни сафарбарлик чақируви резерви хизматига қабул қилиш, чақирувни кечиктириш ёки захирага олиш бўйича қарор қабул қилади. Комиссия таркиби мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими вакилидан иборат бўлади.

Чақирилувчи танловда бир йилда фақат бир марта иштирок этиши мумкин. Туман комиссияларида танловлардан ўтган чақирилувчи вилоят бутлаш комиссияси томонидан номуносиб, деб топилиши ҳам мумкин. Чунки бу ерда аввал соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ажратилган врачлар чақирилувчиларнинг саломатлиги даражасини аниқлаб берарди. Бугунги кунда вилоят ҳарбий-тиббий комиссиясига ҳарбий госпиталдан шифокор-мутахассис раислик қилади. Ўз навбатида, соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан фақат лор, психиатр ва окулист врачлар ажратилган. Хирург, неврапотолог ва терапевт врачлар ҳарбий госпиталдан жалб қилинади.

Улар берган хулоса асосида чақирилувчи муддатли ҳарбий хизматга, эҳтиёж туғилса, ҳарбий госпиталга қўшимча текширув учун жўнатилади. Ҳарбий хизматга яроқсиз, деб топилиб, ҳужжатлари туман ҳудудий комиссиясига юборилиши ҳам мумкин.

Чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш жорий йил март-апрель ойларида амалга оширилади. Бунда аввал муддатли ҳарбий хизматга лойиқ, деб топилган чақирилувчи раҳбарият кенгаши томонидан тегишли қўшин турига тайинланади. Яъни, Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари раислик қилувчи раҳбарият кенгаши чақирилувчини ҳарбий хизматга чақириб, ҳарбий қисмга юборади.

Тегишли вазирликлар вакилларидан иборат раҳбарият кенгаши қуйи комиссиялар ишларидан норози бўлган чақирилувчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиб, шу ернинг ўзида ечими бўйича тегишли қарор қабул қилади.

Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига асосан "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилган давлат активлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Жамият номи: "Past Darg'om tu'man МТР" МЧЖ;

Юридик манзили: Паст Дарғом тумани Фурқат МФЙ, А.Жомий кўчаси, 4-уй;

Устав капитали (млн. сўм): 7831,2;

Жамиятнинг устав фондидаги сотиладиган давлат улуши (фоиз): 100,0;

Сотиладиган улушнинг нархи (минг сўм): 9 788 800,0;

Савдо санаси: 26.03.2021 й.;

Аризалар беришнинг охирги муддати: 24.03.2021 й.

Ушбу объектни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами берилади.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукцион қатнашувчиларига дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:
Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-"А" уй. Кенгашлар уйи биноси, 6-қават, 604-хона (хусусийлаштириш бўлими).
Маълумот учун телефон/факс: 66-233-73-54.
E-mail: samarqand-gkk@exat.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

«SAM TRANS GOLD SAVDO SERVIS»

масъулияти чекланган жамияти 2021 йил 25 март куни соат 11:00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига "Ҳарбий савдо Самарқанд" ДУКнинг 2021 йил 23 февралдаги 8-сонли мурожаат хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «УАЗ-3962» русумли 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 0672 МТ бўлган, носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 473 000 сўм;

2. «ДАМАС» русумли 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 0071 МТ бўлган, носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 410 000 сўм;

3. «2-ПЛ-4» русумли 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 150 МТ бўлган, носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 415 000 сўм;

4. «ГАЗ 53» русумли 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 0686 МТ бўлган, носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 14 011 000 сўм.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Юқоридаги мулклар 2021 йил 25 март куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2021 йил 5 ва 15 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилиш савдо кунига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Юқоридаги мулкларнинг аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SAM TRANS GOLD SAVDO SERVIS» МЧЖ нинг АТБ "Капиталбанк" Самарқанд филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000200775803001, МФО: 01061, СТИР: 304888015.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 91-"А" уй.
Телефонлар: 66-234-36-50, 91-522-74-09.

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультети 3-ички касалликлар кафедраси ва эндикринология курси

ОЧИҚ МАЪРУЗАЛАР ЎТКАЗАДИ

Мавзу: "Бронхиал астма. Касалликнинг этиологияси, таснифи, клиникаси. Текшириш услубларини ўрганиш, Даволаш принципи ва профилактикаси";

Маърузачи: т.ф.н. Жўраев С.О.;

Экспертлар: ички касалликлар пропидевтикаси кафедраси доценти Ярмуҳамедова С.Х. ва 4-ички касалликлар кафедраси доценти Дусанов А.Д.;

Сана: 26.02.2021 йил соат 11:40 да;

Ўтказиш жойи: СамДТИ даволаш факультети ички касалликлар кафедраси маърузалар зали;

Таклиф қилинганлар: Даволаш факультети III курс 306, 310-гуруҳлар талабалари, ички касалликлар кафедралари, деканат ходимлари, клиник ординаторлар ва магистрлар.

* * *

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2016 йил 14 октябрда 14695 реестр рақами билан рўйхатга олинган «АХТАМ ТАОМLARI» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «АХТАМ ТАОМLARI» ОК) корхона таъсисчиларининг 2021 йил 23 февралдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Юқори Хўжасоат маҳалласи.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 304372563.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Недогреева Мария Прокоповнага (1989 йил 20 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Мамедова Майрамга (2013 йил 7 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Джумаев Аслига (2020 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Сайфудинова Нубуватга (2011 йил 11 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдод кўчаси, 1-уй, 3-хона.

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Кенжаев Фархат Мухаммадиевичга (2020 йил 30 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Шадманова Шарапатга (2020 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Салахиддинов Нуриддинга (2020 йил 25 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Турабова Мархабо номига берилган O`R-A № 1750780 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги «SHOXZAMON STROY» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305994224) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд Сиёб тиббиёт коллежидан 2011 йилда Шафиева Дилором Мубиновна номига берилган рўйхат рақами 343, К № 2072330 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар техник инвентарлаш идорасидан Кенджаева Фарида Галиевнага қарашли Самарқанд шаҳри Менделеев кўчаси, 70-уй-жой учун берилган уй режаси китоби ва шу уйнинг уй дафтари ҳамда бошқа юридик ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар 3-ўрта ҳунар техника билим юртидан 1989 йилда Мавлянов Комил Шарифович номига берилган рўйхат рақами 848, Б № 257106 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Омонова Шоҳиста Шуҳрат қизи номига берилган O`R-SH № 1057652 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нуробод туманидаги «NUROBOD BOZTASH» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306865249) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Самиев Расулберди Баҳодир ўғли номига берилган UM № 0542315 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Юлдошев Бахтиёр Абдурауфович номига берилган O`R-SH № 0360064 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ибодуллаева Шарофат Абдувахобовна номига берилган U № 1674014 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 6-ўрта мактабдан 1998 йилда Қарахонова (ҳозирда Абдуллаева) Мадинахон Мусахоновна номига берилган O`R-A № 308694 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 86-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Каршиев Кадиржон Келдиярович номига берилган O`R-SH № 0377653 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Адилова (ҳозирда Умурзакова) Нигина Нуриддиновна номига берилган U № 1141814 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пахтачи туманидаги 23-ўрта мактабдан 1994 йилда Икромов Учқун Исломович номига берилган A № 508647 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан «TIMUR METALL ART» хусусий корхонасига қарашли, Самарқанд шаҳри Спитамен кўчасидаги МЧЖ шаклидаги «Мусо Хонкелди» савдо мажмуаси ҳудудида жойлашган савдо дўкони учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қуйидаги шаҳар атрофи ва шаҳарлараро – вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2021 йил 30 март куни соат 10:00 да

ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналиши:

ШЙТ "268" – "Зиёвиддин – Болтали – Мирбозор АББ (Мирбозор АББ томонидан)";
ШЙТ "269" – "Қўшработ АББ – Зармитан";
ШЙТ "270" – "Мирбозор АББ – Пўлатчи – Зиёвиддин (Мирбозор АББ томонидан)";
ШЙТ "271" – "Султонобод – Зиёвуддин";
ШЙТ "275" – "Қиргули – Зиёвиддин";
ШЙТ "284" – "Ҳазора АББ – Болтали қишлоғи";
ШЙТ "285" – "Мирбозор АББ – Зиёвиддин (Мирбозор АББ томонидан)";
ШЙТ "286" – "Жомбой – Эски Жомбой – Олмазор";
ШЙТ "288" – "Жомбой – Эски Жомбой";
ШЙТ "291" – "Жомбой – Найманқишлоқ – Қиёт қишлоғи";
ШЙТ "292" – "Булунғур АББ – Ипак йўли қишлоғи";
ШЙТ "295" – "Булунғур АББ – Чангал маҳалласи";
ШЙТ "296" – "Лойиш – Улуғбек – Говбанд";
ШЙТ "305" – "Жума АББ – Беклар";
ШЙТ "308" – "Жума темирйўл вокзали – Ўзбекистон – Ҳазора АББ";
ШЙТ "318" – "Булунғур АББ – Килдон";
ШЙТ "320" – "Оққўрғон – Пайариқ АББ";
ШЙТ "324" – "Агромир коллежи – Сартепа маскани";
ШЙТ "327" – "Ойжон – Кадан – Пайшанба АББ";
ШЙТ "331" – "Ҳазора АББ – Эсабой қишлоғи";
ШЙТ "334" – "Жомбой – Сарой маҳалласи";
ШЙТ "335" – "Шайман бозори – Ҳолвойи";
ШЙТ "341" – "Жума АББ – Ҳиндибой маҳалласи";
ШЙТ "344" – "Ҳазора АББ – Пахта қабул қилиш пункти";
ШЙТ "350" – "Жума АББ – М.Дангалов – Равот";
ШЙТ "356" – "Жума АББ – Ўзбекистон – Дўрмонтепа МФЙ";
ШЙТ "357" – "Жума АББ – Қораянтоқ қишлоғи";
ШЙТ "358" – "Жума АББ – Қаросув қишлоғи";
ШЙТ "359" – "Жума АББ – Б.Кўмаков – Темирйўли қишлоғи";
ШЙТ "360" – "Жума АББ – Зормон қишлоғи";
ШЙТ "363" – "Шомбулоқ қишлоғи – Ҳазора АББ";
ШЙТ "367" – "Пайариқ АББ – Балиқчилик";
ШЙТ "368" – "Пайариқ АББ – Янгиобод – Вали қишлоғи";
ШЙТ "369" – "Пайариқ АББ – Халқобод";
ШЙТ "370" – "Пайариқ АББ – Қўшработ АББ (Қўшработ АББ томонидан)";
ШЙТ "371" – "Жума АББ – Марказий шифохона";
ШЙТ "383" – "Шайман – Ғазира – Ғўбдин";
ШЙТ "387" – "Нуробод – Жума АББ (икки томондан)";
ШЙТ "388" – "Лойиш шаҳарчаси – Янгиқўрғон қишлоғи";
ШЙТ "391" – "Иштихон – Халқобод – Гузон";
ШЙТ "392" – "Иштихон – Керайит";
ШЙТ "393" – "Иштихон – Пайшанба АББ";
ШЙТ "395" – "Иштихон – Каттақўрғон";
ШЙТ "396" – "Булунғур АББ – Қирқшоди маҳалласи";
ШЙТ "397" – "Булунғур АББ – Ниёзмат";
ШЙТ "402" – "Булунғур АББ – Тиғириқ қишлоғи";
ШЙТ "403" – "Қорағўппа – Ҳазора АББ";
ШЙТ "406" – "Жума АББ – Мевали – Илм қишлоғи";
ШЙТ "411" – "Самарқанд АББ – Челак – Пайариқ АББ";
ШЙТ "412" – "Лойиш шаҳарчаси – собиқ Бобур номли ш/х.";
ШЙТ "434" – "Гулобод қўрғони – Сиёб АББ";
ШЙТ "441" – "Акмал" меҳмонхонаси – 50-мактаб";
ШЙТ "442" – "Ипак йўли бозори – ЙҲХБ 2-ТРИБ";
ШЙТ "444" – "Гулобод – Оқмачит – Равонак";
ШЙТ "450" – "Самарқанд туман маркази – Ипак йўли бозори";
ШЙТ "451" – "Оқтепа қишлоғи – Султонобод қўрғони";
ШЙТ "456" – "Сартепа маскани – Оқмачит маҳалласи";
ШЙТ "460" – "Шўрбойи – Равонак – Сиёб АББ";
ШЙТ "461" – "Сиёб АББ – Навоий ф/х.";
ШЙТ "462" – "Янгиариқ қишлоғи – "Севинч" ресторани";
ШЙТ "463" – "Сиёвуш" ресторани – Кимёгарлар шаҳарчаси";
ШЙТ "467" – "Чоршанба маҳалласи – Намозгоҳ маҳалласи";
ШЙТ "469" – "Камолот маҳалласи (Кашшоф) – Ҳазора АББ";
ШЙТ "470" – "Ҳазора АББ – Чархин қўрғони";
ШЙТ "471" – "Жартепа – Чубот қишлоғи";
ШЙТ "472" – "Жартепа – Ватак қишлоғи";
ШЙТ "473" – "Жартепа – Раҳматобод маҳалласи";
ШЙТ "474" – "Жартепа – Ғиждувон маҳалласи";
ШЙТ "303" – "Гулзор МФЙ – (Қоракамар қишлоғи) – Булунғур АББ";
ШЙТ "476" – "Ўрташиқ қишлоғи – Сиёб АББ";
ШЙТ "480" – "Ипак йўли бозори – СамДМҚО";
ШЙТ "481" – "Оқсой – Масжиди қўнғироқдор маҳалласи";
ШЙТ "264" – "Мирзаполвон – Сиёб АББ";
ШЙТ "267" – "Ургут юқори масжид – Ургут АББ – Қизилбош";
ШЙТ "300" – "Сиёб АББ – Боғизоғон қишлоғи";
ШЙТ "346" – "Қундузак қишлоғи – Сиёб АББ";
ШЙТ "347" – "Ургут АББ – Ҳўжайдуқ қишлоғи";
ШЙТ "376" – "Бутбой – Сиёб АББ";
ШЙТ "377" – "Ургут – Устахона – Сиёб АББ";
ШЙТ "401" – "Ургут АББ – Мўминобод қишлоғи";
ШЙТ "413" – "Ургут АББ – Қўзибек маҳалласи";
ШЙТ "415" – "Ургут – Испанза қишлоғи";
ШЙТ "416" – "Улуғбек расадхонаси – Ургут АББ";
ШЙТ "417" – "Улуғбек расадхонаси – Олмазор қишлоғи";
ШЙТ "429" – "Ургут АББ – Теганабегим";
ШЙТ "447" – "Ургут АББ – Халқобод – Сиёб АББ";
ШЙТ "493" – "Ургут АЙХ – Шредер – Самарқанд тумани шифохонаси";
ШЙТ "494" – "Тукал қишлоғи – Сиёб АББ";
ШЙТ "478" – "Ургут тиббиёт коллежи – Пахмоб маҳалласи";
ШЙТ "479" – "Ургут юқори бозор – "Яхдон" дам олиш маскани";
ШЙТ "488" – "Дўстлик маҳалласи – Жума АББ";
ШЙТ "217" – "Бурчак қишлоғи – Пичоқчи – Жума АББ".

Шаҳарлараро – вилоят ички йўналишли такси йўналишлари:

ВХЙТ "524" – "Нуробод – Ҳазора АББ";
ВХЙТ "528" – "Каттақўрғон АББ – Ҳазора АББ";
ВХЙТ "529" – "Мирбозор АББ – Ҳазора АББ";
ВХЙТ "532" – "Қўшработ АББ – Самарқанд АББ";
ВХЙТ "541а" – "Самарқанд АББ – Жўш қишлоғи".

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, солиқ органлари ҳисобида турадиган, автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро йўловчи ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир транспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган барча юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш, банкротлик босқичида турган ёки мулкига таъқиқ қўйилган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиришда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукаммал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даъвогар тақдим этаётган тендер таклифлари имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 1 йил муддатга тузилади. Шартнома бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 40141086042627734229672 79 (Банк коди: 00014, СТИР: 201122919) га 1 та пакет учун **50 000** (эллик минг) сўм, 2 та пакет учун **75 000** (етмиш беш минг) сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир пакети учун **25 000** (йигирма беш минг) сўмдан ўтказиб, 2021 йил 19 март куни соат 18:00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим. (Ишончнома ва тўлов топшириқномаси тақдим этилиши шарт).

Қатнашчи тендерда қатнашишдан бош тортганда, у томонидан тўланган тендер ҳужжатлари пакети учун тўлов қайтариб берилмайди.

Тендер таклифлари 2021 йил 29 март соат 18:00 гача қабул қилинади.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи манзили:
Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 69-уй.
Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси биноси.
Мурожаат учун телефонлар: 66-233-71-12, 66-233-31-38, 71-202-05-00 (231 – қисқа рақами).

“Йўқлаб борай десак мозорингиз йўқ”

ёхуд Файзулла Хўжаев нега отилган эди?

Файзулла Хўжаев XX аср биринчи ярмида халқимизнинг энг машҳур давлат ва жамоат арбоби сифатида тарих саҳифаларидан ўрин эгаллаган. Аммо унинг ҳаёти ҳам фаолияти сингари зиддиятли ва мураккаб кечган.

Файзулла Хўжаев ҳақида кўпчилик билади, фақат унинг таржимаи ҳолига доир муҳим бир далилни келтириб ўтмоқчиман: Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида 1925 йилда Файзулла Хўжаев шахсан ўз қўли билан рус тилида тўлдирилган бир қанча анкеталардан иборат ҳужжат сақланиб келган. Ушбу нодир ҳужжат муқовасида “ЎзССР МИК аъзоси Файзулла Убайдуллаевич Хўжаевнинг шахсий иши” деб ёзилган. Файзулла Хўжаев яшил сиёҳда тўлдирилган анкеталарининг бирида у 1912 йил 16 ёшдан бошлаб Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашганлиги ва инқилобий “Ёш бухороликлар” фирқаси аъзоси эканлигини қайд этади. Мазкур “иш”даги қизил сиёҳ билан тўлдирилган бошқа бир анкетада у 1913 йилдан бошлаб “Ёш бухоролик инқилобчилар” фирқаси марказий қўмитасининг аъзоси бўлганлигини ҳам ёзади **(Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1934-иш, 6-8-варақлар)**.

Ҳақиқатан ҳам қисқа муддат ичида ёш Файзулла Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг асосий раҳбарларидан бирига айланган. У 1918 йил ёзида Москвага жўнайди. Йўлда оқ гвардиячилар уни ушлаб ҳибсга олади. Дутовнинг буйруғи билан у Оренбургда 4 ой қамоқда ётади. Ўлим жазосига ҳукм қилинган Файзулла Хўжаев дўстларининг ёрдами билан қамоқдан қочишга муваффақ бўлади.

Файзулла Хўжаев 1918 йил октябрдан 1920 йилнинг январгача Москвада бўлиб, “Ёш бухороликлар” фирқаси Марказий қўмитаси Москва комитети раиси бўлиб ишлайди. У Москвада совет ҳукуматининг раиси В.И.Ленин ва унинг сафдошлари Сталин, Калинин, Фрунзе, Рудзутак, Элиева билан кўп мулоқотда бўлади. 1920 йил январида Тошкентга келади ва янги ташкил топган инқилобчи “Ёш бухороликлар” фирқасининг Тошкентдаги Туркистон бюроси раиси бўлиб ишлайди.

1920 йил ёзида Бухоро амирлигида сиёсий вазият жуда кескинлашади. 25 августда Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе Бухорога ҳужум уюштириб, 1920 йил 2 сентябрда Бухоро шаҳрини эгаллайди ва бу қадимий кент қизил армия томонидан таланади. Амирнинг хазинаси М.Фрунзе ва В.Куйбишевнинг кўрсатмаси билан Москвага жўнатилади.

Тадқиқотчилар архивидаги манбаларда Бухородан ҳаммаси бўлиб икки эшелонда (ҳар бир эшелонда 14 тадан вагон бўлган) олтин ва қимматбаҳо буюмлар олиб кетилганлиги ёзилган. Бу бойликларнинг умумий қиймати ўша пайтдаги нарх билан тахминан 77 миллион тилла тангадан иборат бўлган. Бу маблағни ҳозирги баҳога чақадиган бўлсак, тахминан 80 миллиард долларни ташкил қилади.

Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ёш бухоролик жадидлар Бухорони европача андазадаги ривожланган давлат даражасига кўтариш, бу ерда демократик тузум ва ҳуқуқий жамият қуриш учун интилади. Шунинг учун у 1920 йил 14 сентябрда халқ демократик ҳокимияти сифатида тузилган Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг ташкилотчиларидан эди. Файзулла Хўжаев бу республиканинг Бухоро халқ нозирлар шўроси раиси сифатида фаолият бошлайди. 1920-1924 йилларда Файзулла Хўжаев БХСР Ташқи ишлар, Ҳарбий ишлар, Ички ишлар нозири, Меҳнат ва мудофаа кенгаши раиси каби масъул лавозимларда ишлайди **(Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1934-иш, 9-варақ)**.

Файзулла Хўжаев давлат ва жамоат арбоби бўлиш билан бирга моҳир дипломат эди. У Эрон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон каби давлатлардан ташқари, Англия, Германия, шунингдек, Япония билан дипломатик алоқалар ўрнатишга катта куч-ғайрат сарфлади. Бухоро билан Германия ўртасида маданий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, савдо-сотиқ авж олдирилган. Файзулла Хўжаев 1922 йил октябрь-ноябрь ойларида Германияда бўлиб, турли банклар ва компаниялар билан шартномалар тузган. Шу вақтга келиб у немис тилини жуда пухта билган. У талабаларни хорижда ўқитиш ташаббускорларидан бири бўлган. Файзулла Хўжаев, Фитрат, Мукаммил Бурҳоновнинг ташаббуси билан 100 га яқин туркистонлик талаба БХСР ҳукумати ҳисобидан Германияда, ўнлаб талабалар Туркия ва бошқа давлатларда ўқишган.

Тарихдан маълумки, 1924 йил охири ва 1925 йил бошларида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топди. Файзулла Хўжаев бу мураккаб даврда Ўзбекистон ССР инқилобий қўмитаси (Ревком) – Муваққат ишчи-деҳқон ҳукумати раиси бўлиб ишлади. 1925-1937 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлиб фаолият юритди.

Ўз фаолияти давомида ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий равнақига хизмат қилувчи тадбирларни амалга оширди. У Марказий Қўмитанинг Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон компартиясига нисбатан мухолифат мавқеида турган ўн саккизлар гуруҳи (1925 йил, ноябрь)нинг қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсатини ёқламаган, Ўзбекистонда ёппасига чигит экилиши пахта якка ҳокимлигига олиб келади, деб ҳисоблаган. Ф.Хўжаев Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантирган. Спорт иншоотлари қурилишида ташаббускор бўлган.

Файзулла Хўжаев 42 йил умр кўрган бўлса, шундан 17 йил давомида Бухоро жумҳурияти ва Ўзбекистон ССР ҳукуматларини бошқарди. Афсуски, Ф.Хўжаев 40 ёшида қатағон қилинди. У ўзи хизмат қилган мафкура томонидан ўлимга ҳукм қилиниб, бу ҳукм коммунистик эътиқод ўчоғи - қизил Москвада амалга оширилган. Эҳтимол, Файзулла Хўжаевнинг улкан бахти ҳам, мислсиз фожиаси ҳам шундадир.

Ўзбекистон Компартиясининг VII съезди (1937 йил, 10-17 июнь) да Файзулла Хўжаевнинг “миллатчилик” фаолияти фош этилгач, у СССР раҳбари И.Сталин билан учрашиш учун Москвага жўнаб кетади. Бироқ И.Сталин уни қабул қилишдан бош тортади. Файзулла Хўжаев 1937 йил “Национал” меҳмонхонасида қамоққа олинади ва Лефортово қамоқхонасига ташланади. Унга ҳокимиятга қарши аксилсовет ўнг троцкийчи блок фаолиятига қўшилганлик ҳамда “Миллий иттиҳод” яширин ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилганлик, “босмачилик” ҳаракати ва қўрбошиларни қўллаб-қувватлаганлик, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа ўзбек зиёлиларига ғамхўрлик кўрсатганлик каби айбловлар қўйилди.

Узоқ давом этган қийноқлардан сўнг Акмал Икромов, Н.Бухарин, А.Риков ва бошқалар (жами 17 киши) билан бирга Файзулла Хўжаев ҳам СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг қарори билан отишга ҳукм қилинди. Бу - 1938 йил 13 март эди. Ҳукм Москва атрофидаги Бутово қишлоғида 15 март куни ижро этилади.

1965 йил 6 августда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни айбсиз деб топди ва оқлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ватан озодлиги учун курашган фидойи инсонларнинг хотирасини абадийлаштириш йўлида одил сиёсат олиб борилмоқда. Хусусан, бу йил Файзулла Хўжаев таваллудининг 125 йиллиги нишонланади. Шундан келиб чиқиб, Ф.Хўжаев фаолиятини ўрганиш, сиёсий арбобнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- 1925-1930 йилларда Самарқанд шаҳрида яшаган Файзулла Хўжаевнинг (ҳозирги Зафарнома кўчаси, 1-уй) уйини қайта реконструкция қилиб, "Файзулла Хўжаев уй-музейи" ташкил этиш;
- Файзулла Хўжаев яшаган Зафарнома кўчасига Файзулла Хўжаев номини бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хавфсизлик хизмати архивларидаги муомалага киритилмаган архив ҳужжатлари асосидаги маълумотларни киритган ҳолда Файзулла Хўжаевнинг танланган асарларини қайта тўлдирилган ҳолда нашр эттириш.

Шокир ҒАФФОРОВ,
Самарқанд давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

Мулоҳаза учун мавзу

Замонавий алоқа технологияларининг ривожланиши узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қиляпти. Дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, қўнғироқ қилиб ишимизни битирамиз ёки яқинларимиздан ҳол-аҳвол сўраймиз. Бироқ бу қулайликнинг тезкорлигига қарамай, хатнинг ўрнини босолмайдиган жиҳатлари бор. У меҳр тафтини, нозик ҳис-туйғуларни ифодалай олмайди. Дағалроқ қилиб айтганда, қалбимиз ҳароратини сўндириб, бир-биримизни йўқлаб туришни шунчаки расмиятчиликка айлантириб қўяётгандай, назаримда.

Хат ёзишни унутиб қўймаяпсизми?

Олисдаги яқинлардан хат орқали ҳол-аҳвол сўраб туриш нари турсин, бир зум яқинимиздагилар билан дийдорлашишга ҳам эринамиз. Ҳафсала қилсак, қўнғироқ қилиб сўрашиб қўя қоламиз.

Телефон орқали соғинч, меҳр-оқибат, муҳаббат ҳис-туйғуларини хатдагидек, чин юракдан самимият билан ифодалаш қийин. Хатни сақлаш, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қадрдон дўст-дугона, севимли кишингизни соғинганда қайта-қайта ўқиш мумкин. Отабек ва Кумушнинг бир-бирига ёзган мактубларини эсланг. Бу муҳаббат туғёнларини шунчаки учрашувда ёки бошқа восита орқали теран ифодалаб бўлмайди. Л.Толстойнинг «Кавказ асири» ҳикоясида Кавказда хизмат қилаётган рус зобити Жилиннинг онасидан олган хатини эсланг: «Ўғлим, бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда. Тезроқ қайт, сенга деб бир қиз ҳам топиб қўйдим...» Жилин бу сўзларни телефон орқали эшитганида, қаттиқ таъсирланмаган, ташвишланиб дарҳол йўлга отланмаган бўларди. Хатни ўқиб у чуқур қайғуга тушади. Хавф-хатарга қарамай йўлга чиқади. Ёхуд улуғ алломалар, мутафаккирларнинг сақланиб қолган ўзаро ёзишмаларини олинг. Энг нозик ҳис-туйғулар, фикр-ғояларни ана шундай хатлар орқалигина самимият ва чуқур мулоҳаза билан баён қилиш мумкин.

Мен ушбу мулоҳазалар билан телефондан воз кечиш керак деган фикрдан йироқман. Бу қулай, тез, ҳозиржавоб воситасиз турмушимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо ҳар дақиқаси ғанимат дунёда меҳр-оқибат ришталарини боғловчи хат ёзишни ҳам унутмайлик. Хат нафақат ғойибона дилкаш суҳбатдош, балки кўнгил ёзиш воситаси, ҳаётимизнинг ширин, аччиқ-чучук, соғинч, ҳижрон, қўмсаш онларини эсга солиб турувчи хотира ҳамдир. Иш, кундалик ташвишлардан чарчаганингизда, узоқдаги яқинларингизга хат ёзинг, меҳрингиз илиб, кўнглингиз равшан тортади.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Ҳамкасб хотираси

Тажрибали журналист, фидойи маънавиятчи Ғайрат Шукуров 23 февраль куни 84 ёшида вафот этди.

Ғ.Шукуров 1937 йилда Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топди.

Шаҳардаги ўрта мактабда таҳсил олиб, 1956-1961 йилларда Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиди.

Меҳнат фаолиятини “Зарафшон” (ҳозирги “Каттақўрғон тонги”) газетасида мусаҳҳиҳликдан бошлади. Кейинчалик мухбир, бўлим мудири, масъул котиб бўлди.

1994 йилда Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигининг “Каттақўрғон тонги” газетаси ташкил этилишида жонбозлик кўрсатди ва ўзи ушбу таҳририятни 15 йил бошқарди, кўплаб ёш мухбирларга устозлик қилди.

Ғ.Шукуров Каттақўрғон шаҳри, шунингдек, бу ерда яшаб, ижод қилган ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ва фаолиятини синчиклаб ўрганган ижодкор эди, шу каби мавзуларда бир неча публицистик китоблар чоп эттирган.

Шунингдек, устоз вилоят, республика газеталари саҳифаларида чоп этилган долзарб мавзудаги мақолаларнинг муаллифи эди.

Тажрибали қаламкаш, ўз касбига содиқ, камтарин инсон Ғайрат Шукуров хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилояти бўлими.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ

Одам — тили билан бошқа ҳайвонлардан имтиёзлидир. Унинг тили орқали бошқа одамлардан афзаллиги билинади. Тил — шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса — тилнинг офатидир.

Samarqand davlat universiteti Inson resurslarini boshqarish fakulteti talabasi Mohinur Abduvohidova Islom Karimov nomidagi davlat stipendiyasi sovrindori bo‘ldi.

Stipendiantlar ko‘paymoqda

Mohinur rus, ingliz tillarida erkin muloqot qiladi. Hozirga qadar 20 ga yaqin ilmiy maqolalari chop etilib, xalqaro konferensiyalarda dolzarb muammolar bo‘yicha ma’ruzalar qildi. E’tiborlisi, maqolalari oliy attestatsiya komissiyasi tomonidan e’tirof etilgan jurnal va nashriyotlarda chop etilgan.

Quvonarlisi, universitetimizda Mohinurdek iqtidorli talabalarimiz safi yildan yilga kengaymoqda. Fakultetimizning yana bir iqtidorli talabasi Mehrangiz Mullayeva Navoiy nomidagi davlat stipendiyasi sovrindori bo‘ldi. Umuman, universitetning turli fakultetlaridan jami 6 nafar talaba nomdor davlat stipendiyalari sovrindori bo‘lgani biz, o‘qituvchilarda faxr uyg‘otadi.

Ahtam NIZOMOV,
dotsent.

Inson kapitalini rivojlantirish yuzasidan xalqaro tajriba almashildi

Iqtisodchi olimlarning tadqiqotlariga ko‘ra, iqtisodiy o‘sish umumiy miqdorining 64 foizdan ko‘prog‘i inson kapitali bilan bog‘liq ekan. Inson kapitalining rivojlanganlik darajasi jamiyatdagi ishlab chiqaruvchi kuchlar qanday imkoniyatga ega ekanligini belgilab beradi.

Samarqand davlat universitetida bu boradagi amaliy va nazariy bilimlarni birlashtirish, mavjud muammolarni hal qilishning samarali yo‘llarini ilmiy jihatdan tadqiq qilish hamda o‘zaro fikr almashish maqsadida «Inson resurslari: muammolar, yechimlar, istiqbollar» mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya o‘tkazildi.

Unda inson kapitalini rivojlantirish bo‘yicha shart-sharoitlar yaratishga doir takliflar muhokama qilinib, mavjud muammolar o‘rganildi, tahlil qilindi. Asosiy munozaralar kasbiy o‘qitish, aholini qayta tayyorlash, inson kapitalining shakllanishi, rivojlanishi va undan foydalanish, yosh avlodning ijtimoiylashuv muammolari, inson va mehnat resurslari, mehnat bozori va ijtimoiy-mehnat munosabatlarining rivojlanish muammolari, o‘z-o‘zini band qilish va kichik biznesni rivojlantirish, kambag‘allikni qisqartirish kabi dolzarb masalalarga bag‘ishlandi.

O‘zbekistonning yetakchi mutaxassislari bilan birgalikda dunyoning ko‘plab davlatlari, jumladan, Xitoy, Rossiya, Indoneziya, Malayziya, Fransiya, Ruminiya, Italiya, Bosniya, Gersogovina va boshqa 100 dan ortiq davlatlardan olimlar ishtirok etgan xalqaro anjumanda O‘zbekistonda inson resurslarini boshqarishni sifat darajasiga olib chiqish uchun inson salohiyatidan to‘laqonli foydalanish va kambag‘allikni qisqartirish, kadrlarni tayyorlash sifatini oshirishning dolzarb muammolarini hal qilish, bu sohada kelajakdagi tadqiqot va ishlanmalar uchun yo‘nalishlarni aniqlash va boshqa masalalar yuzasidan takliflar bildirildi.

Mehrangiz MULLAYEVA,
Navoiy nomidagi Davlat stipendiyasi sovrindori.

Мустақиллик йиллари Самарқандда

1997 йил, апрель

Каттақўрғон шаҳар халқ таълими тизимида 16 та умумтаълим мактаби, 1 та гимназия, 22 та болалар боғчаси, 5 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 1 та марказлашган кутубхона ва 1 та техник воситалар маркази фаолият кўрсатмоқда.

Нарпай туманидаги “Дуоба” кичик корхонасида мармарни портлатмай, янгича усул билан қазиб олиш қоришмаси ишлаб чиқилди.

май

4 май куни Халқаро валюта фонди тақсимотчи-директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер Республика Бош вазири ўринбосари Б.Ҳамидов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

14 май куни Самарқандда академик Воҳид Абдуллаевнинг 85 йиллик юбилейи ўтказилди.

Нуробод яйловларида 268 минг бош қўй-эчки, 20 минг бош қорамол боқилмоқда. Туман қўйчивонлари бу йил ҳар юз бош совлиқдан 27 бошдан қўзи олишди. 43047 дона сифатли қоракўл тери тайёрланди.

19 май куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Ёрмон Қўшмуродов вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти француз филологияси факультети қошида “Француз тили ва маданияти” маркази очилди.

июнь

“Йил ўқитувчиси-97” вилоят кўрик танловида Каттақўрғон шаҳридаги 17-гимназия-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Мунаввара Каримова ғолиб бўлди.

Болгария, Венгрия, Словакия, Чехия, Бангкок, Россия темир йўл транспорти вазирлари Самарқандга келди.

Иштихон туманида 320 ўринга мўлжалланган янги мактаб қуриб битказилди.

Самарқанд шаҳридаги “Савдогарбанк”нинг янги биноси фойдаланишга торширилди.

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири О.Салимов бошчилигида республика ўрта-махсус ўқув юртлари раҳбарларининг “Ҳозирги замон ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашнинг долзарб муаммолари” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК
MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas’uliyati cheklangan jamiyati
Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 470 nusxada chop etildi. Buyurtma 146
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2
QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.
Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00
Navbatchi muharrir: A.HAYDAROV.
Navbatchi: O‘.XUDOYBERDIYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.
Sotuvda narxi kelishilgan holda
ISSN-201667X
9 772010 667009